

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида

«Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилинган 2018 йилда мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий соҳа ва давлат бошқарувига замонавий илм-фан ютуқлари, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қабул қилинган 2018 йилги Давлат дастури рўёбга чиқариш доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард АҚШ долларига тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилди.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига мувофиқ 400 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллаларда муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди.

«Хар бир оила – тадбиркор» ва «Yoshlar – kelajagimiz» дастурлари доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалар амалга оширилди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди ҳамда бу аҳолининг реал даромадларини 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошириш имконини берди.

Янги ўқув йўналишларини очиб ва қабул квоталарини ошириш ҳисобига олий таълим олиш имкониятлари салмоқли даражада кенгайтирилди.

Солиқ маъмуриятчилигининг моҳиятан янги тартиби жорий этилгани сабабли солиқларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 5,5 триллион сўм маблағ қолдирилди. Бу 2017 йилги кўрсаткичларга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан 32 баробар кўпдир.

Бундан ташқари, иқтисодий ривожланишнинг рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳити ва инвестициявий жозибдорликни яхшилаш, аҳоли даромадларини ошириш ва бизнес учун солиқ юкни камайтиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди.

Хусусан, ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 12 фоизгача пайасирилгани ҳамда юридик шахсларнинг айланмаси (тушуми)дан давлат мақсадли жамғармаларига ундирилган мажбурий ажратмаларнинг бекор қилиниши қорхоналар ихтиёрида қўшимча маблағлар қолиши учун шарт-шароит яратди.

2018 йилда 18 та давлатлараро ташрифлар амалга оширилди ва 50 миллиард АҚШ долларига тенг инвестициявий келишувларга эришилди. Бугунги кунда юртимизда чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард АҚШ долларини миқдордаги 456 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Умумий қиймати 16,9 триллион сўм ва 8,1 миллиард АҚШ долларига

тенг лойиҳаларни амалга оширишни назарда tutuvchi ҳамда қуйидагиларга қаратилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури (кейинги ўринларда – Давлат дастури) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат ва жамият қурилиш тизимини такомиллаштириш соҳасида – парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиши ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини кучайтириш, ижро этувчи ҳокимият тизимини оптималлаштириш, маъмурий ишхотларни давом эттириш, давлат бошқарувида замонавий менежмент услубларини кенг қўллаш, давлат хизматларини ривожлантириш, давлат хизматига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколат ва масъулиятини қайта қўриб чиқиш, уларнинг мустақиллигини ошириш;

қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида – суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигига эришиш, аҳоли тинчлиги, ҳавфсизлигини ва қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича зарур чоралар қўриш, жиноят қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш;

иқтисодий ривожлантириш ва инвестицияларни фаол жалб этиш соҳасида – макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, соғлом рақобат учун зарур шароитларни яратиш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, иқтисодийта давлат иштирокини жиддий равишда камайтириш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, «хуфиёна» иқтисодийта қарши курашиш ва унинг улушини кескин қисқартириш, валюта сиёсатини эркинлаштиришни давом эттириш;

ижтимоий ривожланиш соҳасида – аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамларнинг даромадларини ошириш, фан ва узлуксиз таълимни ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва улар билан аҳолини қамраб олишни кенгайтириш, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни муносиб тураржой билан таъминлаш ва фаровонлигини ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, туризмни ривожлантириш;

хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташқи сиёсат соҳасида – мамлакатимиз мудофаса қудратини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий мудофаса санъати комплексини шакллантириш, экологик хавфсизликни таъминлаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, очиклик, ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорлик тамойилларига асосланган ташқи сиёсий фаолият самарадорлигини янада ошириш.

Давоми 2-бетда ➡

ТАДБИРКОРНИНГ ЭЗГУ НИЯТИ

Оҳангаронлик Шерзод Файзиев бир неча йиллардан бери хусусий қорхона очишни режа қилиб юрди. Ниҳоят, унинг орузи рўёбга чиқди. Тадбиркор 7 миллиард 200 миллион сўм маблағ эвазига «LOCHIN ASBOB-USKUNA» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қорхона фаолиятини йўлга қўйди. 35 турдаги электр бургулаш ва силликлеш асбоб-ускуналарини ишлаб чиқаришга ихтисослашган қорхонада айна пайтда 26 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

□ Интилиш

Қорхонада ишни тўғри йўлга қўйилгани, маҳсулотнинг сифати, ишчиларнинг гайрат-шижоатини кўриб, инсон ниманидир астойдил хоҳласа, шунга яраша ҳаракат қилса, ниятига, албатта, эришиши мумкинлигига яна бир бор амин бўлдик. Қорхона раҳбари буни яхши англаган кўринади.

– Иш бошлаганимизга эндигина 8 ой бўлди, – дейди у. – Шунга қарамай, қўллаб-қувватлаш, тўқатиш, қўшни давлатларда ҳам харидорларимиз бор. Мана, яқинда Тожикистон ва Қозоғистондан маҳсулотларимиз учун буюртмалар олдик. Шунингдек 2 миллиард 400 миллион сўмлик маҳсу-



лотларни эгаларига етказиб бердик.

Дарҳақиқат, қорхонада ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар қулайлиги, сифати ва узоқ муддатга яроқлилиги билан мижозларга маъқул бўлмоқда. Энди тадбиркор ўз фаолиятини янада кенгайтириб, экспортни кўпайтирмоқчи.

Энг муҳими, қорхонада ишчилар учун қулай шароит ва ишчанлик муҳити яратилган. Улар иш ўрганиб, ангилликлар яратишга қизиқишмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда тадбиркорлар қўллаб-қувватланаётганидан руҳланиб, соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшиш ниятидандар. Жумладан, қорхона ишчиси Ихтиёр Мамадалиев келгусида ўзи ҳам алоҳида хусусий қорхона очишни мақсад қилган. Барча саъй-ҳаракатини шунга қаратиб, тажриба орттирмоқда.

– Очиги, янги келган вақтларим қўлим унча қовушмасди, – дейди у. – Ускуналарни тўғри йиғолмасдим. Секин-аста ўргандим. Ҳозир ишимдан ҳамма хурсанд. Устозим Шерзод акадан ибрат олиб, хусусий қорхона очиб, одамларга нафим теғса дейман...

Эрли НОРБЕКОВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Мансур ХИММАТОВ олган суратлар



□ Маҳаллий кенгашларда

Республика ишчи гуруҳи ташаббуси билан Чирчиқ шаҳри «Сувоқова» қорхонаси томонидан ҳудуддаги 25 та маҳалла фуқаролар йиғинида юзага келган барча носозликлар бар-тароф этилди.

ШАҲАРДА 20 МИНГДАН ОРТИҚ МУАММО АНИҚЛАНДИ

Шаҳар «Иссиқлик таъминоти» қорхонаси томонидан «Ифтихор» маҳалласидаги кўп қаватли 16-уйнинг иссиқлик тизими таъмирланиб, 7-умумтаълим мактабининг иссиқлик қувури тикланди. «Адолат» маҳалласи ҳудудидаги ер ости қувурлари таъмирланиб, аҳоли хонадонлари ва қатор ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик тизими билан боғлиқ муаммолари бартараф этилди.

Мутасадди ташкилотлар жалб этилган ҳолда «Иқбол» маҳалласидан оқиб ўтувчи Зах ва Бўзсув каналлари муҳофаза ҳудудидаги 50 га яқин ноқонуний қурилмалар бузилиб, каналлар ён-

атрофлари ободонлаштирилди.

Бу ҳақда Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашининг сессиясида маълум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари ва шаҳар сектор раҳбарлари, фаоллар иштирок этган сессияда Республика ишчи гуруҳи томонидан шаҳарнинг реал ижтимоий-иқтисодий ҳолати, аҳолини қийнаб келатган муаммолар бўйича олиб борилган ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Давоми 3-бетда ➡

Минтақа давлатлари ўртасида ўзаро ишонч ҳамда ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш, қўшни давлатлар чегарасидан ўтишда фуқароларга янада қулайликлар яратиш мақсадида яқин қўшниларимиз билан чегара ўтказиш пунктларида зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

«Фишткўприк»:

НОМИ ЭСКИ, БИНОСИ ЯНГИ

Жумладан, Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасида имзоланган «Йўл харитаси» ижроси доирасида «Фишткўприк» чегара божхона постини модернизация ҳамда реконструкция қилиш ишлари якунига етказилиб, чегара ва божхона назоратининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу пост Қозоғистон Республикасининг «Жибек Жолы» божхона пости билан чегарадош.



Мазкур бинода фуқароларнинг чегара ҳамда божхона назоратидан ўтишлари учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, божхона постида замонавий талабларга мос келувчи янги ўтиш йўли барпо этилиб, ушбу залда фуқароларнинг қўл юкларини назорат техник воситаларидан ўтказиш учун кириш йўналишида 6 та йўлаклар ташкил этилиб, рентген аппаратлари ўрнатилди. Шунингдек, имконияти чекланган фуқаролар ва сайёҳлар учун ҳам алоҳида йўлаклар мавжуд.

Ушбу бинонинг фойдаланишга топширилиши «Фишткўприк» чегара божхона пости ўтказувчанлигини янада яхшилади. Яъни, бир кунда 40 минг нафар фуқароларнинг ҳаракатланиши учун имконият яратилди.

Матълумот ўрнида: 2018 йил давомида «Фишткўприк» пости орқали жами 10 млн. 183 минг 411 нафар (кириш 5 млн. 70 минг 425, чиқиш 5 млн. 112 минг 986) фуқаролар ҳаракатланган. Уттан йил давомида пост орқали жами 101 минг 79 та (49 минг 82 та кириш, 51 минг 997 та чиқиш) автотранспорт воситалари ҳаракатлангани рўйхатга олинган. Божхона пости 2018 йил учун белгиланган режани 106,7 фоизга ба-жарган. Шунингдек, йил давомида 1 минг 544 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 6 млрд. 33 млн. 600 минг сўмлик товар-моддий бойлик-лари далилий аниқ сифатда олинган.

Ўз муҳбиримиз

□ Дарвоқе

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг бандлик даражаси ва реал даромадларини муттасил ошириб бориш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш энг муҳим йўналишлардан бири этиб белгиланган.

Таъкидлаш керакки, кейинги икки йилда бу борада амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида жамиятимизнинг катта қатлами бўлган пенсионерларни мақсадли ижтимоий

қўллаб-қувватлаш кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Биз бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Алишер Расулқовдан ушбу фармон асосида пенсия тизимига кири-

тилган янгиликларни шарҳлаб беришни сўрадик.

– Алишер ака, аввало, сўнгги йилларда мамлакатимиз пенсия таъминоти тизи-

мида амалга оширилётган ислохотларнинг моҳияти ва ундан кўзда тутилган асосий мақсадлар ҳақида тушунча бериб ўтсангиз.

– Мамлакатимизда сўнгги икки йилда кекса ёшдаги фуқароларнинг пенсияга чиққандан кейин ҳам юқори ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, жамоат ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги

тенг иштирокини таъминлаш, шунингдек, ёшларга ўзларининг касбий маҳорати, бой ҳаётий ва меҳнат тажрибаларини синдиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Давоми 4-бетда ➡

«ҚўШНИМИНГ ПЕНСИЯСИ ОШДИ, МЕНИКИЧИ...»

Буғун бундай савол билан юрган пенсионерлар оз эмас...



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини
«ҲАҚИҚАТИ» ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

2. Давлат дастурида назарда тутилган тадбирлар, айниқса, хорижий инвестицияларни жалб этиш, кулай инвестиция муҳитини яратиш, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларининг ижтимоий ривожланиш даражасини ошириш соҳасидаги тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш учун шахсан масъул ҳисобланган **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси мансабдор шахслари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари** 2-иловага мувофиқ мамлакат ҳудудларига бириктирилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан ҳар чорада Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида ҳисоботлар эшитилади, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритилади, Давлат дастуридаги тадбирлар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун зарур чоралар кўрилади.

3. Ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари билан биргаликда инвестиция лойиҳалари амалга оширилишининг боришини муҳокама қилиш, инвесторлар фаолиятига тўққинлик қилаётган муаммоларни тезкор ва самарали ҳал этишни таъминлаш мақсадида **инвесторлар билан шахсан учрашувларни**, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш амалиёти жорий этилсин.

4. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни маслаҳат ва экспертлик жиҳатидан таъминлашни амалга ошириш, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётини ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг долзарб масалалари, жумладан, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишга қаратилган **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Эксперт кенгаши** ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги икки ой мuddатда куйидагиларни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Эксперт кенгаши таркиби, бунда унинг таркибига муваффақиятга эришган тадбиркорлар, атоқли давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, жумладан, хорижий давлатлар фуқаролари ва хориждаги ватандошларни киритиш назарда тутилсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Эксперт кенгаши тўғрисидаги низоми.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, биринчи навбатда, инвестиция жалб этиш учун устувор йўналишларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикасининг ўрта мuddатли истиқболдаги инвестиция сиёсати стратегияси** (кейинги ўринларда – Стратегия) ишлаб чиқирилиши таъминлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта мuddатда 2019 йилда **Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар – устувор ҳамкорлар билан савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар ва сиёсий, шунингдек, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигини янада фаоллаштириш ва ривожлантиришга** қаратилган аниқ тадбирлар бўйича таклифларни киритсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар – устувор ҳамкорлар билан ҳамкорлигини янада фаоллаштириш бўйича таклиф этиладиган тадбирлар ва йўналишлар Давлат дастури ва Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури билан ўзаро узвий боғлиқ бўлиши лозим.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг куйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

а) эълон қилинган капиталга **1 миллиард АҚШ доллари** миқдорига бўлган **Ўзбекистон Республикасининг тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма). Куйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика иқтисодиётининг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришга, шунингдек, унинг рақобатбардорлигини янада оширишга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва инновацион технологияларни жалб этиш;

хусусий маҳаллий ва хорижий инвесторлар билан узоқ мuddатли ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини йўлга қўйиш орқали инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва ривожлантириш; инвестиция таклифларини баҳолаш, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; инвестиция муҳитини яхшилашга, шунингдек, республикамизнинг инвестиция салоҳияти ва имкониятларини хорижда кенг тарғиб қилишга қўмаклашиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан шакллантириладиган **5 миллион АҚШ доллари** миқдоридagi устас капиталга эга, акциядорлик жамияти шаклидаги, **давлат улуши 100 фоиз бўлган Ўзбекистон Республикаси тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармасининг бошқарув компанияси** (кейинги ўринларда – бошқарув компанияси).

8. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Жамғарманинг ягона таъсисчиси ҳисобланади ҳамда унинг капиталини **Жамғарма билан биргаликда лойиҳаларга инвестиция киритиш тўғрисида инвесторлар томонидан қарор қабул қилинишига қараб** шакллантиради;

инвестиция лойиҳалари бошқарув компанияси томонидан инвестиция учун устувор соҳалар, иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва самарадорлик ҳисобга олинган ҳолда мустақил равишда танлаб олинади; бир лойиҳа бўйича Жамғарма инвестицияларининг энг кўп миқдори ушбу лойиҳага киритилиши режалаштирилаётган инвестициялар умумий ҳажмининг **30 фоизидан ошмаслиги лозим**, қолган қисми инвесторларнинг ўз маблағи ва жалб қилинган маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Жамғарма ва бошқарув компанияси фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси томонидан амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда куйидагиларни назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин:

Ўзбекистон Республикаси тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси тўғрисидаги низоми тасдиқлаш;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни биргаликда молиялаштириш тамойиллари асосида жалб қилиш бўйича самарали ва шаффоф тижорат майдонини яратган ҳолда Жамғарма ва бошқарув компанияси ўртасида ҳамкорлик қилиш тартибини белгилаш;

томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, инвестиция сиёсатининг тамойиллари, шунингдек, уни амалга ошириш механизмларини белгилаган ҳолда Жамғарма ва бошқарув компанияси ўртасида инвестиция активларини ишончли бошқариш тўғрисида шартномалар тузиш тартиби.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси (З. Ш. Низомиддинов) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А. Н. Арипов) ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2019 йил 1 мартга қадар** инвестиция лойиҳаларини, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг устувор тармоқларида амалга оширишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг замонавий шакли ва услубларини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда, **тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштиришни** назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019 йил 1 мартдан бошлаб:

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсисчилари (иштирокчилари) ва уларнинг оила аъзолари учун мuddатини мамлакатдан чиқмасдан узайтириш имконияти бўлган, амал қилиш мuddати уч йилни ташкил қиладиган **“инвестиция визаси”** жорий этилади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ташкил қилиш учун 3 миллион АҚШ доллари миқдорда ортик миқдорда инвестиция киритган хорижий давлатлар фуқароларига, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг таъсисчилари (иштирокчилари)га **Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси 10 йил мuddатга соддалаштирилган тартибда берилди**;

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёки “инвестиция визаси”га эга хорижий инвесторлар ҳамда уларнинг оила аъзолари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган шартларда тиббий ва таълим хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади;

хорижий инвесторлар, улар томонидан хорижий давлатлар фуқаролари орасидан жалб этиладиган мутахассислар ва уларнинг оила аъзоларини вақтинча рўйхатга олиш инвестиция лойиҳаси рўйхатга чиқарилаётган ҳудуддаги аҳоли яшаш пунктида, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида бўлганда қайта рўйхатдан ўтиш мажбуриятисиз, визанинг амал қилиш мuddатига (виза мавжуд бўлмаганда эса 1 йил мuddатга) амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Абу Даби ривожланиш жамғармаси (БАА) билан биргаликда **Ўзбекистон-Амириклар инвестиция компаниясини** (кейинги ўринларда – инвестиция компанияси) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси раиси С. Р. Холмуродов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори Ш. А. Вафоевага Ўзбекистон-Амириклар инвестиция компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасини имзолаш ваколати берилсин.

13. Белгилансинки, инвестиция компанияси:

Абу Даби ривожланиш жамғармаси (БАА) компаниясининг **75 фоиз миқдордаги** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг **25 фоиз миқдордаги** улушлари ҳисобига **5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi устас фондига ва 1 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi эълон қилинган капиталга** эга бўлиб, масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилади, бунда қўшимча иштирокчиларни ўрнатилган тартибда жалб этиш мумкин бўлади;

фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил қилинаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг устас капиталларида улушлар сотиб олиш, қарзлар бериш, қимматли қозғоларни муомалаларга чиқариш, хўжалик юритувчи субъектлар устас капиталдаги улушларни маҳаллий ва хорижий инвесторларга реализация қилиш ва қонун билан тақиқланмаган бошқа шаклларда **инвестиция фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига** эга;

Бирлашган Араб Амирикларнинг инвестициявий, молия институтлари ва компаниялари билан **инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш вазифаларини бажариш**, улар билан инвестициявий муносабатларни мувофиқлаштириш, шунингдек, қўшма инвестициявий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва рўйхатга чиқаришга қўмаклашади.

14. Белгилансинки:

инвестиция компанияси, шунингдек, унинг таъсисчилари олинган дивиденд ва фойзалар бўйича даромадлар билан бирга фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва ер солиғидан, шунингдек, унинг мол-мулк ва активларини реализация қилишда қўшилган қиймат солиғидан 3 йил мuddатга озод қилинади;

устас фонди (капитали)нинг камида 30 фоизи инвестиция компанияси маблағлари ҳисобидан шакллантирилган янги ташкил этилган корхоналарга хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар учун қонунчиликда назарда тутилган имтиёз ва преференциялар таъбиқ этилади.

15. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бошқарув ходимларининг вакант лавозимларини қисқартириш ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари тузилмасида 5 та штат бирлигидан иборат **Халқаро рейтинглар билан ишлаш ва “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш шўбаси**; вазирлик ва идораларда – белгиланган штатлар сони доирасида **халқаро рейтинглар бўйича фаолиятни амалга ошириш ва “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш учун масъул бўлган иқтисодлашган таркибий бўлинмалар** ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул **вазирлик ва идоралар рўйхати** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

16. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига, энг аввало, хорижий ишбилармонлик доиралар, тадбиркорлар, салоҳиятли инвесторлар, давлат ва жамоат арбоблари ўртасида мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, жумладан, Давлат дастурининг бориши, бизнес учун яратилган кулай шaroитлар тўғрисида кенг маълумот бериш ва тарғиб қилишни ташкил этиш учун масъул бўлган **PR-марказ** функцияси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси (З. Ш. Низомиддинов) икки ҳафта мuddатда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги, жумладан, PR-марказ функциясини бажариш доирасида амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштиришнинг аниқ манбаларини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини ишлаб чиқсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда етакчи халқаро молиявий ва консалтинг ташкилотларини жалб этган ҳолда **2019 йил 1 июлга қадар** устас капиталдаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг акциялар (улушлар) пакетларини сотиш назарда тутилган стратегик аҳамиятга эга бўлмаган хўжалик жамиятлари ягона рўйхати шакллантирилиши ва юртилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан биргаликда **2019 йил 10 июлга қадар** халқаро ишбилармонлик доираларида истиқболли инвестиция лойиҳалари, шу жумладан, устас капиталдаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг акциялар (улушлар) пакетларини сотиш назарда тутилган хўжалик жамиятлари, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг тақдиротларини (“Road Show”) ўтказиш графигини тасдиқласин ва йил давомида амалга оширсин.

19. Белгилансинки, 2019 йил 1 мартдан бошлаб болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор оналарга, улар пенсия ёшига ўтгандан сўнг, агар уларда пенсия тайинлаш учун зарур стаж мавжуд бўлмаса, ижтимоий нафақа тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда ушбу бандда белгиланган ижтимоий нафақа миқдорини ва уни тўлаш тартибин назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин.

20. Банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, шунингдек, касбий малакалар бериш ва тасдиқлашнинг умумий тизимини жорий этиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш **Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йилдаги устувор вазифаси** ҳисоблансин.

Белгилансинки, фуқаролар, айниқса, ёшлар томонидан ўз малакасини ошириш учун таъсирчан рағбатлантирувчи омилар яратиш, шу жумладан, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тузилмасига кирувчи касб-хунар коллежлари негизда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида банд бўлмаган аҳоли ва ишсиз фуқаролар учун ўқитиш марказларини ташкил этиш ҳисобга замонавий ўқув ва ишлаб чиқариш технологияларига таянган касбга ўқитишни йўлга қўйиш ва касбий малакани баҳолашни назарда тутувчи касбий малакалар умумий тизимини жорий этишга асосий эътибор қаратилиши лозим.

21. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги мамлакатда касбий таълим беришнинг замонавий тизимини жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича Давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни рўйхатга чиқариш мақсадида бир ой мuddатда ишчи касблар нуфузини юксалтириш ва касбий таълимни ривожлантириш бўйича халқаро ҳаракатга қўшилишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминласин.

22. Белгилансинки, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига ҳужжатларни давлат хизматлари марказлари орқали қабул қилиш тартиби босқичма-босқич жорий этилади;

мuddатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномасига эга шахслардан иборат абируентлар учун олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ушбу шахслар ўртасида ўтказиладиган танлов асосида алоҳида квоталар ажратиш тартиби киритилади.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси **2019 йил 1 мартга қадар**:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда **олий таълим муассасалари томонидан талабаларни қабул қилиш квоталарини** иқтисодиёт тар-

моқлари ва ижтимоий соҳанинг истиқболдаги эҳтиёжларини, шунингдек, муассасаларнинг кадрларни сифатли тайёрлашни ташкил этиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгилаш тартибини тасдиқласин ва **ушбу тартиб 2019/2020 йилдан таъбиқ этилишини** назарда тутсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда хорижий дипломларнинг эквивалентлигини тасдиқлашдаги сунъий тўсиқларни бартараф этиш ва уларни тан олиш жараёнини оптималлаштириш бўйича таклифлар киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда куйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин:

Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни либераллаштириш; Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини дифференциация қилиш, ушбу тоифадаги ишларнинг ваколатли давлат органлари томонидан тезкор кўриб чиқирилишини таъминлаш.

25. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, “Тараққиёт стратегияси” маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва кенг жамоатчиликнинг куйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) **“Юксалиш” умумийлик ҳаракати** – нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш;

б) режалаштирилган ислохотларни, шу жумладан, Давлат дастурида назарда тутилган ислохотларни амалга оширишга қўмаклашиш мақсадида фуқаролар, хорижда яшаётган ватандошлар ва нодавлат нотижорат ташкилотларни иштирокчи асосида бирлаштиришни **“Юксалиш” умумийлик ҳаракатининг асосий вазифаси** этиб белгилаш, шу жумладан, куйидагилар орқали бирлаштириш:

халқ ва бизнес жамияти билан очик мулоқотни йўлга қўйиш;

жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг саъй-ҳаракатлари ва қучларини сафарбар этиш;

режалаштирилган, шу жумладан, Давлат дастурида назарда тутилган ислохотларнинг амалга оширилиши жараёнини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида муҳокама қилишда фаол иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тахлилий ахборот ва таклифларни мунтазам киритиш;

в) Умумийлик ҳаракат раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан, ҳудудий бўлинмалар раҳбарларини Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари орасидан сайлаш, улар бир вақтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг маслаҳатчиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда “Юксалиш” умумийлик ҳаракати фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги “Юксалиш” умумийлик ҳаракати ва “Тараққиёт стратегияси” маркази билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда умумлаштириш ҳамда яқунларни аниқ қўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришларни акс эттирган ҳолда ўз веб-сайтларида жойлаштириш;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар чорада Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Давлат дастури амалга ошириш яқунларига бағишланган ахборот-тахлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминлаш.

27. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Халқаро пресс-клуб, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан яқин ҳамкорликда:

ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида кенг тушунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

28. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

«ОТИМНИ БОШҚА КЎЙМАЙДИГАН БЎЛДИМ...»

Сўнгги икки йил ичида юртимизда инсон омили учун кўп ўзгаришлар бўлиб, барча соҳаларда адолат қарор топмоқда. Ҳатто, раҳбар ходимларнинг дунёқарши, ҳокимларнинг халқ билан муносабати ўзгарганини ўз ҳаётим мисолида кўриб турибман. Сабаби, 22 йил аввал йўқотган паспортимни қайта ололмай, йиллар давомида одам қаторида саналмай, кўп заҳмат чекдим.

Газетада чоп этилгач...

Номимни қайта тиклаш учун қилган сай-ҳаракатларим, умримнинг совирилгани, ёлгон ваъдаларга ишониб, турли идоралар эшигида сарғайганларимни эсласам, хўрлигим келади. Ҳамма турткилаб, ёрдам бериш ўрнига турли важ ва қонуналарни пеш қилиб, мендан ўзларини олиб қочишарди. Шу сабабли, салкам чорак аср ўз юртимда бегоналардек юрдим.

Фақат 2018 йил 17 ноябрда "Тошкент ҳақиқати" газетасида чоп этилган "Паспорт ололмасам отимни бошқа кўяман...ми?" сарлавҳали мақоладан сўнг ҳаётим тубдан ўзгара бошлади.

Куни кеча Олий Мажлис Сенати аъзоси Мақсуда Ворисова ва Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридидаги жамоатчилик назорати гуруҳи аъзолари келиб, менга фуқаролик паспортини топширишди. Бу мен учун катта совға бўлди. Янги паспортимни varaқлар эканман, кўзимда қувонч ёшлари қалди. Ва ниҳоят, 22 йиллик сарсонгарчиликларимга чек қўйилганидан бениҳоя хурсандман.

Ҳақиқатни юзага чиқариб, адолат қарор топишига ёрдам берган сеvimли газетамиз тахририятига ўзим ва оила аъзоларим номидан миннатдорчилик билдираман.

Аҳмад ПУЛАТОВ,
Паркент тумани, Сўқоқ қишлоғи,
"Чашма" маҳалласи

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги қарорига асосан, 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб барча тиббиёт муассасаларида ишловчи шифокор-пенсиянерлар ўз пенсияларини тўлиқ олиш имкониятига эга бўлдилар. Кейинчалик, яна бир қатор тоифадаги пенсионерлар – Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши-тизимда ишловчи, нодавлат-нотижорат ташкилотларида меҳнат қилувчи, шунингдек, айрим тоифадаги ички ишлар органларининг пенсионерлари ва ҳарбий пенсионерларга ана шундай имконият яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 12 декабрда имзолаган фармони бу борада алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ушбу фармон билан тасдиқланган тартибга кўра, 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб барча соҳаларда ишловчи пенсионерларга пенсиялари тўлиқ миқдорда тўлана бошланди.

Бу эса, ўз навбатида, кекса ёшдаги фуқароларнинг пенсияга чиққандан кейин ҳам мамалякатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тенг иштирокини таъминлашга, ёшларга ўзларининг касбий маҳорати, бой ҳаётий ва меҳнат тажрибаларини сингдиришга хизмат қилади.

Президентимизнинг сиз таъкидлаб ўтган 2018 йил 12 декабрдаги фармонида мувофиқ, 2019 йил 1 январдан бошлаб республикамиздаги барча тоифадаги ишловчи пенсионерларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланмоқда. Вилоят пенсия жамғармаси

«Бошланғичи 1-бета»

томонидан ушбу ҳужжат ижроси доирасида амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз. Умуман, вилотиимизда яратиб берилган бу имкониятдан қанча фуқаро манфаат кўради.

Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда вилотиимизда 14 миңдан зиёд ишловчи пен-

ди. Бу нима дегани?..

Амалдаги тартибга асосан, юқори миқдорда ойлик иш ҳақи олувчи фуқароларга пенсияни ҳисоблашда фақат энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаригача бўлган даромади инобатга олинми, ундан юқори қисми ҳисобга олинмас эди.

Мисол учун, ўртача ойлик иш

минг сўми, ортиқча ишлаган йиллар учун қўшимчани ҳисобга олган ҳолда пенсиянинг умумий миқдори 1 миллион 317 миң сўми ташкил этади ёки 263 миң сўмга ошади.

Ушбу ҳисоб-китобдаги тафовутни кўйида тақдим этилаётган ҳақдорда янада яққол кўриш мумкин:

қайта ҳисобланди ва ўртача қанчага ошди?

Бугунги кунда вилотиимизда жами 332 миң 456 нафар пенсионер мавжуд. Ҳисоб-китобларга кўра, фармонга асосан жами 75 миң 226 нафар пенсионерларнинг пенсия ишлари кўриб чиқилди. Шунинг билан айтиш керакки,

«ҚЎШНИМНИНГ ПЕНСИЯСИ ОШДИ, МЕНИКИЧИ...»

Бугун бундай савол билан юрган пенсионерлар оз эмас...

сионерлар мавжуд бўлиб, уларнинг фақат 3 миң нафари (21 фоизи) ўз пенсияларини тўлиқ олиб келган, қолган 11 миң нафардан ортиқ (79 фоиз) ишловчи пенсионерлар эса бундай имкониятдан маҳрум бўлиб, пенсияларининг 50 фоизини олишган. Мана шу рақамлардан ҳам вилотиимиздаги ишловчи пенсионерларнинг қанчалик манфаатдор бўлганлигини билиш мумкин.

Фармондаги энг катта янгиликлардан яна бири шуки, юқори иш ҳақи ҳисобидан пенсияга чиққан фуқароларимизга муносиб пенсия миқдорини белгилаш орқали ижтимоий адолат принципини қарор топтириш мақсадида янги йилнинг январь ойдан бошлаб пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробаригача олинми белгилан-

ди. Бу нима дегани?.. Амалдаги тартибга асосан, юқори миқдорда ойлик иш ҳақи олувчи фуқароларга пенсияни ҳисоблашда фақат энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаригача бўлган даромади инобатга олинми, ундан юқори қисми ҳисобга олинмас эди. Мисол учун, ўртача ойлик иш минг сўми, ортиқча ишлаган йиллар учун қўшимчани ҳисобга олган ҳолда пенсиянинг умумий миқдори 1 миллион 317 миң сўми ташкил этади ёки 263 миң сўмга ошади.

Ушбу ҳисоб-китобдаги тафовутни кўйида тақдим этилаётган ҳақдорда янада яққол кўриш мумкин:

35 йиллик меҳнат стажига эга бўлган эркаклар учун (аввалги ва ҳозирги пенсия миқдорлари орасидаги тафовут маблаг 263 миң 549 сўм)

Пенсиянинг таянч миқдори	892 миң 12 сўм ((8 x 202 730) x 55%)	1 млн. 115 миң 15 сўм ((10 x 202 730) x 55%)
Иш стажи учун пенсиянинг оширилиши 10 фоиз (35 йил – 25 йил)	162 миң 184 сўм ((8 x 202 730) x 10%)	202 миң 730 сўм ((10 x 202 730) x 10%)
Пенсия миқдори	1 млн. 54 миң 196 сўм	1 млн. 317 миң 745 сўм

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бу фармон билан белгиланган тартиб нафақат 2019 йил 1 январдан кейин пенсияга чиқувчиларга, балки ушбу тоифага тушувчи ҳозирги кунда пенсия олиб турган пенсионерларга ҳам таъбиқ этилади ҳамда уларнинг пенсиялари республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 8 каррасидан ошиқ ва 10 карраси миқдоригача бўлган иш ҳақлари ҳисобланган барча пенсия ишлари қайта ҳисобдан ўтказилди.

Айтингчи, ушбу фармонга кўра, 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб вилотиимизда неча нафар пенсионерларнинг пенсияси

Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу соҳада ижобий ўзгаришлар давом этиши, хусусан, ислохотларнинг кейинги босқичида пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори бўйича чекловларнинг бутунлай бекор қилиниши таъкидланди.

Уйлаймизки, пенсия тизимида амалга оширилаётган бундай кўламли ислохотлар халқимизни ҳаётдан рози қилиш, энг муҳими, кексаларимиз ва нуронийларимизни қадрлаш ҳамда янада эъозлашга хизмат қилади.

"Тошкент ҳақиқати" муҳбири
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
сўхбатлашди

НИМА БИЗГА... АВСТРАЛИЯ?!

Шу кунларда юртимиз футбол мухлисларининг диққат-эътибори Бирлашган Араб Амирлигининг яшил майдонларига қаратилган. Тобора шиддатли тус олиб бораётган футбол бўйича Осиё кубогининг плей-офф йўлланмасини қўлга киритган барча жамоалар номи маълум бўлди. Демак, 16 терма жамоа 8 жуфтликка бўлинган ҳолда нимчорак финалда ўзаро куч синашади. Мусобақанинг нимчорак финали учрашувлари 20-22 январь кунларига белгиланган.

Унда Эрон термаси Уммон, Қатар терма жамоаси эса Ироқ билан баҳсга киришади.



га Азизбек Турғунбоев, Марат Бикмаев ҳамда Сардор Рашидов майдонга тушишди.

Аммо, рақиб дарвозаси томон уюштирилган ҳужумлар бесамар кетди. 86-дақиқада чап қанотдан оширилиб, Даврон Ҳошимов томонидан кучли зарба билан дарвозага йўлланган тўпни рақиб посбони қийинчилик билан майдон ташқарисига чиқариб юборди. Қолган вақт мобайнида футболчиларимиз қанча ҳаракат қилишмасин, японлар дарвозасини ишғол қилиш насиб этмади. Хуллас, Япония гуруҳда биринчи ўринни эгаллади.

Энди Эктор Купер шогирдлари 1/4 финали учун Австралия билан беллашади. Уйин 21 январь куни Ал Айн шаҳридаги Халифа ибн Зайд стадионида бўлиб ўтади.

Куйида 1/8 финал жуфтликлари ва ўйинларининг ўтказилиш вақти билан танишинг:

20 январь, якшанба	
Иордания – Вьетнам	16:00
Таиланд – Хитой	19:00
Эрон – Уммон	22:00
21 январь, душанба	
Япония – Саудия Арабистони	16:00
Австралия – Ўзбекистон	19:00
БАА – Қирғизистон	22:00
22 январь, сешанба	
Жанубий Корея – Баҳрайн	18:00
Қатар – Ироқ	21:00

Телеграмм каналимиз орқали хабар қилганимиздек, мамлакатимиз терма жамоаси гуруҳ босқичининг сўнгги учрашувида Японияга кичик ҳисобда ютқазди (1:2).

Плей-офф масаласи олдиндан ҳал этилганлиги учун икки жамоа мурабийлари ҳам бу ўйинда бир қатор етакчи футболчиларга дам беришга қарор қилишди. Японлар деярли захира ўйинчилари билан майдонга чиқшди.

Учрашув тенг курашлар остида бошланди. Иккала жамоада ҳам бир қатор имкониятлар юзага келса-да, ҳисоб 40-дақиқада очилди. Элдор Шомуродов икки рақиб орасидан ўтиб, ажойиб зарбаси билан навбатдаги голни уриб, жамоамизни олдинга олиб чиқди.

Бироқ, хурсандчилигимиз кўпга чўзилмади. Орадан 3 дақиқа ўтиб, ўн қанотдан узатилган тўпни японлар ўйинчиси Йошинари Муро

боши билан дарвозамизга жойлаб, ўртадаги мувозанатни тиклади. Шу тариха биринчи бўлиб 1:1 ҳисобида дуранг билан якунланди.

Иккинчи бўлими ҳамюртларимиз фаол бошлашди. Бироқ, гол уришга келганда омад японлар томонида бўлди. 58-дақиқада Цукаса Шитотани узоқ масофадан аниқ зарба йўллаб, "самурайлар"ни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Мағлубиятдан қутулиб қолиш мақсадида жамоамиз таркибида Достонбек Ҳамдамов, Элдор Шомуродов ва Фозил Мусаев ўрни-

УЙЛАНМАГАН ФУТБОЛЧИЛАР

Муҳбир уч карра жаҳон чемпиони бўлган моҳир боксчимиздан ғалабаларининг сирини сўради.

– Ҳеч қандай сир-пири йўқ, – жавоб қилди чемпион. – Лекин, ҳар сафар рақиб билан юзма-юз келганимда, ютқазиб қўйсам, телевизорда калтак еганимни кўрган хотиним дабдаламни чиқаради-ку, деган хавотир бўлади ичимда...

Муҳбир тахририятга келгач, ёзажак мақоласининг биринчи жумласини шундай бошлади: "Футболчиларимизни дарҳол уйлантириш керак..."



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Электрон почталар:
thaqiqat@mail.ru
th-tp@mail.ru

Телефонлар:
71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)
71 233-70-10
71 233-55-38
71 233-38-23, 71 233-48-08
71 233-65-59
71 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бoshқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан руйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририятли компьютер марказида терлиди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳих
Аллома АЗИЗОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ